

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ Ph.D.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

БАРЛИБАЕВ ШЕРЗОД НАКИББЕКОВИЧ

**МОЛА-ТЕКИСЛАГИЧНИНГ ТЕХНОЛОГИК ИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулбахор – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Барлибаев Шерзод Нақиббекович

Мола-текислагичнинг технологик иш жараёнини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш..... 3

Барлибаев Шерзод Нақиббекович

Совершенствование технологического процесса работы и обоснование параметров мала-выравнивателя..... 19

Barlibayev Sherzod Naqibbekovich

Development of scientific and technical solutions improve the performance of the small-equalizer..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

БАРЛИБАЕВ ШЕРЗОД НАКИББЕКОВИЧ

**МОЛА-ТЕКИСЛАГИЧНИНГ ТЕХНОЛОГИК ИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/T610 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.uzmei.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тўхтақўлиев Абдусалим
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Мансуров Мухторжон Тохиржонович
техника фанлари доктори

Абдурахманов Абдукарим Атхамович
техника фанлари номзоди, к.и.х.

Етакчи ташкилот:

«ВМКВ-Agromash» АЖ

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/13.05.2020.T.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «11» декабр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбахор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11/11 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбахор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «13» ноябр кунин тарқатилди.
(2020 йил «13» 11 даги № 4 рақамли реестр баённомаси).



M.T. Toshboltaev

М.Т. Ташболтаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

A.A. Ibragimov

А.А. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

K.K. Nuriev

К.К. Нуриев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раисининг ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунларда жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда энергия-ресурстежамкор, иш унуми юқори бўлган агрегатларни ишлаб чиқариш ва қўллаш етакчи ўринни эгаллаб бормоқда. «Ҳозирда дунё бўйича тупрокқа экишдан олдин ишлов бериладиган майдон 1,6 млрд. гектарни ташкил этиши»¹ ни ҳисобга олсак, ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланиладиган энергия-ресурстежамкор ҳамда иш сифати ва унуми юқори бўлган агрегатларни яратиш ва ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишда ерларга экиш олдидан сифатли ишлов беришга катта аҳамият берилади. Чунки, бу тадбир сифатли бажарилмаса қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини агротехника талаблари даражасида сифатли экиб бўлмайди, экилган уруғлар кийғос униб чиқмайди. Бу ўз навбатида экинларнинг ҳосилдорлигини пасайишига олиб келади.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар, чуқур таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг истиқболли агротехнологияларини яратиш, уларни модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, экинлар турини тўғри танлаш, тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ва иш сифати ва унумини оширишни таъминлайдиган техника воситаларини янада такомиллаштириш бўйича катта тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига доир Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш»² назарда тутилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан ерларга экиш олдидан ишлов беришда мола-текислагичларни техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш ҳисобига иш сифати ва унумини ошириш, меҳнат, ёнилғи ва бошқа харажатлар сарфини камайтириш муҳим ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалиги машина-созлиги соҳасида илмий-техникавий базани янада

¹ www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида тупроққа экиш олдидан ишлов бериш жараёнлари самарадорлигини ошириш мақсадида турли қурилмалар ва техника воситалари ишлаб чиқилган. Улар конструкторлик бюроларига янги машиналарни яратиш учун тавсия этилган.

Мола-текислағичларнинг ва шу каби техника воситаларининг агротехник иш кўрсаткичлари ва иш унумини ошириш, энергияҳажмдорлигини камайтириш бўйича хорижда А.И.Купченко, Ю.И.Кузнецов, В.И.Таранин, А.В.Шубин (Россия Федерацияси), G. Schnitkey (АҚШ), J.Tisdall ва В.Еnde (Австралия), М.А. Эльшейх (Судан) ҳамда бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ушбу йўналишда республикамизда тадқиқотлар М.А.Ахмеджанов, Р.И.Бойметов, А.Тўхтақўзиев, В.Н.Соколов, А.Т.Эгамов, К.Мухаммад-содиқов, Б.К.Утепбергенов, М.П. Калимбетов, С.К.Қўчқоров, М.М.Халилов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Бу тадқиқотлар натижасида яратилган тупроққа экиш олдидан ишлов беришда қўлланиладиган машина ва қурилмалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилмоқда. Аммо уларда мавжуд мола-текислағичларнинг энергияҳажмдорлигини камайтириш, агротехник иш кўрсаткичлари ва унумини ошириш йўналишларида такомиллаштириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ҚХ-Атех-2018-155 “Тупроққа кўрсатиладиган босими тез ва енгил ростланадиган кенг қамровли осма мола-текислағич ишлаб чиқиш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Мола-текислағичнинг технологик иш жараёнини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш йўли билан ерларни экишга тайёрлашда иш сифати ва унумини ошириш, ёнилғи ва бошқа харажатлар сарфини камайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланиладиган текисловчи ва зичловчи машиналарни ҳамда уларга доир бажарилган илмий-тадқиқот

ишларини таҳлил этиш;

такомиллаштирилган мола-текислагичнинг технологик иш жараёнини ва конструктив схемасини ҳамда уни трактор билан боғланиш схемасини ишлаб чиқиш;

такомиллаштирилган мола-текислагич ишчи қисмларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнларини ифодаладиган ҳамда уларнинг параметрлари ва тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берадиган аналитик боғланишларни олиш;

такомиллаштирилган мола-текислагич агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларининг унинг трактор билан боғланиш схемаси, ишчи қисмларининг параметрлари ва ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларини ўрганиш, уларни ифодаловчи регрессия тенгламаларини олиш, улар асосида параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш;

такомиллаштирилган мола-текислагичнинг тажриба нусхасини тайёрлаш, унинг дала синовларини ўтказиш ва иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тупроқнинг физик-механик хоссалари, такомиллаштирилган мола-текислагич, уни трактор билан боғланиш схемаси ва параметрлари, технологик иш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети такомиллаштирилган мола-текислагичнинг трактор билан боғланиш схемаси ва параметрлари, унинг ишчи қисмларини тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи аналитик ифодалар, мола-текислагичнинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларини унинг трактор билан боғланиш схемаси ва параметрлари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида олий математика, назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, экспериментларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-11, TSt 63.03.2001, TSt 63.04.2001, РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иш сифати ва унуми юқори бўлган такомиллаштирилган мола-текислагичнинг технологик жараёни ва конструктив схемаси ишлаб чиқилган;

такомиллаштирилган мола-текислагичнинг ишчи қисмларининг параметрларини аниқлаш ва уни трактор билан боғланиш схемаси асослаш имконини берадиган аналитик боғланишлар олинган, тупроқнинг физик-механик хоссалари, таъсир этувчи кучлар ва ҳаракат тезлигини ҳисобга олган ҳолда иш органлари параметрларининг ўзгариш чегаралари аниқланган;

такомиллаштирилган мола-текислагич иш кўрсаткичларини унинг параметрлари ва трактор билан боғланиш схемаси ҳамда агрегат ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари ўрганилган, уларни ифодаловчи регрессия тенгламалари олинган;

ишлаб чиқилган такомиллаштирилган мола-текислагич параметрларини

мақбул қийматлари унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларини баҳоловчи регрессия тенгламаларини биргаликда ечиш орқали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

технологик иш жараёнининг сифат кўрсаткичларини ошириш ва энергия-материалҳажмдорлигини камайтириш йўналишида такомиллаштирилган мола-текислагич ишлаб чиқилган ва унинг иш органларининг параметрлари ва трактор билан боғланиш схемаси асосланган;

такомиллаштирилган мола-текислагич ерларни экиш учун тайёрлашда қўлланилганда кам энергия сарфланган ҳолда далалар юзасини сифатли текисланиши ва талаб даражасида зичланиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг амалиётда кенг қўлланиб келинаётган самарали усуллар ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, такомиллаштирилган мола-текислагичнинг параметрларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, назарий механиканинг асосий қонун ва қоидаларига амал қилинганлиги, тажрибалар натижаларига математик статистика усуллари билан ишлов берилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган мола-текислагич дала синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти такомиллаштирилган мола-текислагичнинг кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминловчи параметрлари асосланганлиги ҳамда бунда олинган математик моделлар ва аналитик боғланишлардан бошқа шунга ўхшаш машиналарнинг параметрларини асослашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган мола-текислагич қўлланилганда меҳнат ва ёнилғи сарфи камайиши, иш унуми ва сифати ортишига эришганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Республикамиз тупроқ-иқлим шароитида тупроққа экишдан олдин ишлов беришда қўлланиладиган мола-текислагичларни такомиллаштириш ва параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

такомиллаштирилган мола-текислагич томонидан ерларга экишдан олдин ишлов бериш технологик жараёни бажарилишининг сифат кўрсаткичларини баҳолашга доир дастлабки талаблар ва унинг конструкциясини лойиҳалаш учун техник топшириқ ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 02/023-1875-сон маълумотномаси). Натижада дала юзасида текисланган майин ва талаб даражасида зичланган тупроқ қатламини ҳосил қилиш имконини берадиган такомиллаштирилган мола-текислагич яратилган;

тупроққа экишдан олдин ишлов бериш учун ишлаб чиқилган мола-текислагичнинг тажриба нусхаси Янгийўл ва Зангиота туманлари фермер хўжаликларига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 25

июндаги 02/023-1875-сон маълумотномаси). Натижада ерларга экиш олдидан ишлов беришда ёнилғи сарфи 1,19 мартага ва фойдаланишдаги харажатлар 25,02 фоизга камайган;

ишлаб чиқилган такомиллаштирилган мола-текислагичнинг саноат нусхаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун лойиҳа-конструкторлик хужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 25-июндаги №02/023-1875-сон маълумотномаси). Натижада асосланган параметрларга эга такомиллаштирилган мола-текислагич ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жумладан, 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Ишнинг мақсади ва вазифалари»** деб номланган биринчи бобида республикамиз шароитида ерларни молалашнинг аҳамияти ва унга қўйиладиган агротехника талаблари, мола-текислагич ва шунга ўхшаш тупроққа ишлов бериш машиналарининг таҳлили келтирилган, уларнинг агротехник иш кўрсаткичларини ошириш ҳамда материал ва энергияҳажмдорлигини камайтириш бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган, улар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Ҳозирги даврда республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланиб келинаётган мола-текислагичлар жиддий камчиликларга эга. Жумладан ерларга талаб даражасида ишлов бериш учун улар бир жойдан икки-уч марта лаб ўтади, паст манёврчанлик ва иш унумига эга, материал-энергияҳажмдор, улардан фойдаланиш қўшимча қўл кучини талаб этади.

Буларни барчаси ерларни экишга тайёрлаш учун меҳнат сарфи ва бошқа харажатларни, шу жумладан ёнилғи сарфини ортиши, тупроқни ортиқча зичланиши ва ундаги намни йўқотилишига, иш унумини пасайишига олиб келади. Бундан ташқари мавжуд мола-текислагичлар маънавий ўта эскирган, ерларга ишлов беришнинг замонавий талабларига жавоб бермайди. Шулардан келиб чиққан ҳолда ўтказиладиган тадқиқотлар мавжуд мола-текислагич-ларни техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш ҳисобига ерларга экиш олдидан ишлов беришда иш сифати ва унумини ошириш ҳамда материал ва энергия-ҳажмдорликни камайтиришга йўналтирилган.

Диссертациянинг «**Такомиллаштирилган мола-текислагичнинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва унинг параметрларини назарий асослаш**» деб номланган иккинчи бобида такомиллаштирилган мола-текислагичнинг технологик иш жараёни ва конструктив схемасини ишлаб чиқиш, унинг трактор билан боғланиш схемаси ва параметрларини асослаш, бўйлама-тик текисликда бир текис юришини тадқиқ этиш ҳамда тортишга қаршилигини аниқлаш бўйича олиб борилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Такомиллаштирилган мола-текислагич осиш қурилмаси 1 билан жиҳозланган рама 2 (1-расм), унга ўрнатилган текисловчи 3 ва зичловчи 4 ишчи қисмлар (кейинги ўринларда мос равишда текислагич ва зичлагич)дан ташкил топган этиб ишлаб чиқилди.



1-осиш қурилмаси; 2-рама; 3-текислагич; 4-зичлагич

1-расм. Ишлаб чиқилган мола-текислагичнинг схемаси ва иш жараёни

Унинг иш жараёни қуйидагича кечади (1-расм): агрегат дала бўйлаб

харакатланганда мола-текислагичнинг текислагичи йўлида учрайдиган дўнгликларни кесиб, пастликларга суриш ҳисобига ишлов берилаётган майдоннинг юзасини текислайди, зичлагичи эса текислагич томонидан текисланган юзани талаб даражасида зичлайди. Бунинг учун у тупроққа қуйидаги миқдорда ботиб ишлаши лозим бўлади


$$h_o = h \left(1 - \frac{\rho_o}{\rho} \right), \quad (1)$$

бунда h_o – зичлагичнинг тупроққа ботиш чуқурлиги, м; h – тупроқ зичланадиган қатламининг, яъни мола-текислагич ўтишидан олдин чизел-култиватор ёки плуг томонидан ишлов берилган қатламнинг қалинлиги, м; ρ_o, ρ – мос равишда тупроқнинг мола-текислагич ўтмасдан олдинги ва ўтгандан кейинги зичликлари, кг/м³.

Такомиллаштирилган мола-текислагичнинг трактор билан боғланиш схемаси тадқиқ этиш. Мола-текислагич трактор билан тўрт звеноли ёки параллелограмм механизм воситасида боғланиши мумкин.

Тадқиқотларда олинган натижалар дала юзасини сифатли текислаш ва бутун пайкал бўйлаб бир хил зичланишини таъминлаш ҳамда энергия-материалҳажмдорликни камайтириш учун такомиллаштирилган мола-текислагич трактор билан параллелограмм механизм воситасида боғланиши ва бунда унинг, яъни параллелограмм механизмнинг бўйлама тортқилари горизонтал ҳолатни ёки унга нисбатан юқорига оған ҳолатни эгаллаб ишлашлари лозимлигини кўрсатди.

Такомиллаштирилган мола-текислагич ишчи қисмларининг параметрларини асослашда текислагичнинг баландлиги H , зичлагич ишчи сиртининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги β , узунлиги L_s ва унга бериладиган тик юкланиш Q_T ни (2-расм) аниқлаш учун ифодалар олинди



2-расм. Такомиллаштирилган мола-текислагич ишчи қисмларининг асосий параметрлари

Текислагичнинг баландлиги H_m ни мола-текислагичнинг олдида уюладиган тупроқ унинг устидан ошиб кетмаслиги шартидан қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$H_m \geq 4 \sqrt{\frac{Z_H l_H}{\pi} \operatorname{tg} \mu}, \quad (2)$$

бунда Z_H, l_H – мос равишда дала юзасидаги нотекисликларнинг баландлиги ва узунлиги, м; μ – текислагич олдида уюлган тупроқнинг горизонтга қиялик бурчаги, градус.

Зичлагичнинг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги β ни унинг тупроқ бўлаклари билан ўзаро таъсирлашиш вақти минимал бўлишлиги шартидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ифода бўйича аниқланди

$$\beta = \frac{\pi}{4} - \frac{\varphi}{2}, \quad (3)$$

бунда φ – тупроқ бўлагини зичлагичнинг ишчи сиртига ишқаланиш бурчаги, градус.

(3) шарт бажарилганда тупроқ бўлақларининг зичлагичнинг ишчи сиртига ёпишиб қолиши ва унинг олдида уюмланишининг олди олинади. Натижада зичлагич томонидан белгиланган технологик жараён ишончли ва минимал энергия сарфланган ҳолда бажарилади.

Зичлагич ишчи сиртининг узунлигини аниқлаш учун қуйидаги ифода олинди

$$L_3 > \frac{h}{\sin \beta} \left(1 - \frac{\rho_0}{\rho} \right). \quad (4)$$

Зичлагичга бериладиган тик юкланиш тупроқ унинг таъсири остида талаб даражасида зичланиши таъминланиши шартидан аниқланди ва қуйидаги ифодага эга бўлинди

$$Q_T = 0,5q'_0 \left[1 + \kappa_v V_M (\cos \beta - \sin \beta \operatorname{tg} \varphi) \sin \beta \right] \frac{Bh^2}{\sin \beta} \left(1 - \frac{\rho_0}{\rho} \right)^2, \quad (5)$$


бунда q'_0 – тупроқни статик синовлардаги, яъни уни деформацияланиш тезлиги нолга яқин тезликлардаги ҳажмий эзилиш коэффициенти; κ_v – тупроқ ҳажмий эзилиш коэффициенти унинг эзилиш тезлигига боғлиқ равишда ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент; V_M – такомиллаштирилган мола-текислагичнинг ҳаракат тезлиги, м/с; B – такомиллаштирилган мола-текислагичнинг қамров кенглиги, м.

(5) ифоданинг тахлилидан кўриниб турибдики, зичлагичга бериладиган тик юкланиш унинг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги (β), тупроқнинг физик-механик хоссалари (q'_0, φ, ρ_0), мола-текислагичнинг ҳаракат тезлиги (V_M) ва қамраш кенглиги (B), чизел-култиватор ёки плуг томонидан ишлов берилган тупроқ қатламнинг қалинлиги (h) га боғлиқ.

$Z_H=0,10$ м, $l_H=0,45$ м, $\mu=30^\circ$, $\varphi=30^\circ$, $h=0,16-0,18$ м, $\rho_0=1000$ кг/м³, $\rho=1200$ кг/м³, $q'_0=3 \cdot 10^6$ Н/м³, $\kappa_v=0,1$ с/м ва $V=1,7-2,2$ м/с қабул қилиниб, (2)-(5) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар такомиллаштирилган мола-текислагич текислагичининг баландлиги камида 36 см, зичлагичининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги 30° , ишчи сиртининг узунлиги камида 6,0 см, унга бериладиган солиштирма тик юкланиш 2,25-2,88 кН/м оралиғида

бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Такомиллаштирилган мола-текислагичнинг бўйлама-тик текисликдаги ҳаракатини тадқиқ этиш. Дала юзаси микрорельефи ҳамда тупроқ физик-механик хоссаларининг ўзгарувчанлиги туфайли мола-текислагичга таъсир этаётган R_{xm} , R_{xz} ва R_{z3} , P_{xz} кучлар (3-расм) доимий равишда ўзгариб туради (бунда R_{xm} – мола-текислагичнинг текислагичи тупроқни ҳаракат йўналиши бўйича суришидан ҳосил бўладиган қаршилик кучи, Н; R_{xz} , R_{z3} – тупроқ томонидан мола-текислагичнинг зичлагичига таъсир этадиган бўйлама ва тик кучлар, Н; P_{xz} – трактор томонидан таъсир этаётган тортиш кучи, Н) ва бунинг натижасида мола-текислагич бўйлама-тик текисликда мажбурий тебранма ҳаракатда бўлади. Бу ўз навбатида мола-текислагич зичлагичининг тупроққа берадиган босим кучини ўзгаришига ва демак унинг иш кўрсаткичларини ёмонлашувига олиб келади. Бунга йўл қўймаслик учун мола-текислагичнинг бўйлама-тик текисликдаги ҳаракати бир текис ҳамда мажбурий тебранишларининг амплитудаси мумкин қадар кичик бўлиши лозим. Бунга эришиш йўллари аниқлаш учун мола-текислагичнинг бўйлама-тик текисликдаги тебранишларининг дифференциал тенгламаси



3-расм. Мола-текислагични бўйлама-тик текисликдаги ҳаракатини тадқиқ этишга доир схема

тузилди. У қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$\ddot{\delta} + \frac{bS_3}{m_m} \dot{\delta} + \frac{(C_m \ell S_3 + R_{xz}^y + R_{xm}^y)}{m_m \ell} \delta = \frac{1}{m_m \ell} \sum_{n=1}^{n_1} \Delta R_{z3}^n \cos n\omega t, \quad (6)$$

бунда δ – трактор осииш механизми пастки ва юқориги тортқиларининг горизонтга нисбатан оғиш бурчаги, градус; b – тупроқнинг зичлагични бир бирлик юзасига келтирилган қаршилик (қовушоқлик) коэффициенти, Н·с/м³; S_3 – зичлагичнинг тупроқ билан ўзаро таъсирда бўлган қисмининг юзаси, м²; C_m – тупроқнинг зичлагични бир бирлик юзасига келтирилган бикирлик коэффициенти, Н/м³; ℓ – трактор осииш механизми бўйлама тортқиларининг узунлиги, м; ω – ўзгарувчан кучнинг айланма частотаси, с⁻¹; ΔR_{z3}^n – ўзгарувчан куч тегишли гармоникасининг амплитудаси, Н; $n=1, 2, \dots, n_1$ – гармоникалар номери; t – вақт, с.

(6) тенгламанинг мола-текислагич мажбурий тебранишларини ифодаловчи ечими куйидаги кўринишга эга бўлади

$$\delta(t) = \frac{1}{m_m \ell} \sum_{n=1}^{n_1} \frac{\Delta R_{z_3}^n \cos(n\omega t - \Delta_n)}{\sqrt{\left[\frac{c_m \ell S_3 + R_{xz}^y + R_{xm}^y}{m_m \ell} - (n\omega)^2 \right]^2 + \left(\frac{bS_3}{m_m} \right)^2 (n\omega)^2}}, \quad (7)$$

$$\text{бунда } \Delta_n = \arctg \frac{bS_3 \ell (n\omega)}{c_m \ell S_3 + R_{xz}^y + R_{xm}^y - m_m (n\omega)}. \quad (8)$$

(7) ифоданинг таҳлили шуни кўрсатадики, мола-текислагич томонидан дала юзасига бир текис ишлов берилиши унинг массаси, трактор осиш механизми тортқиларининг узунлиги ℓ , ўзгарувчан $\Delta R_{z_3}(t)$ кучнинг амплитудаси, тупроқнинг физик-механик хоссалари, унга таъсир этадиган кучларга боғлиқ бўлиб, берилган иш шароити учун иш кўрсаткичларининг талаб даражасидаги бир текислиги асосан мола-текислагичнинг зичлагичига бериладиган тик юкланишни тўғри танлаш ҳисобига эришилинади.

Такмиллаштирилган мола-текислагичнинг тортишга қаршилигини аниқлаш учун куйидаги ифода келтириб чиқарилди

$$R_y = B \left(\frac{2f'}{\pi} \rho_0 g Z_n l_n + \frac{q'_0 [1 + \kappa_v V_M (\cos \beta - \sin \beta \operatorname{tg} \varphi) \sin \beta] h_0^2 \sin(\beta + \varphi)}{\sin 2\beta \cos \varphi} \right), \quad (9)$$

бунда f' – тупроқни тупроқ билан ишқаланиш коэффиценти; g – эркин тушиш тезланиши, м/с^2 ; h_0 - зичлагични тупроққа ботиш чуқурлиги, м .

$B = 1,0 \text{ м}$, $f' = 1,0$, $\rho_0 = 1000 \text{ кг/м}^3$, $g = 9,81 \text{ м/с}^2$, $Z_n = 0,10 \text{ м}$, $l_n = 0,45 \text{ м}$, $q'_0 = 3 \cdot 10^6 \text{ Н/м}^3$, $\kappa_v = 0,1 \text{ с/м}$, $V_M = 1,7\text{-}2,2 \text{ м/с}$, $\beta = 30^\circ$, $\varphi = 30^\circ$ ва $h_0 = 0,025\text{-}0,03 \text{ м}$ қабул қилиб, (9) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар такомиллаштирилган мола-текислагичнинг бир метр қамраш кенглигига тўғри келадиган, яъни тортишга солиштирма қаршилик $2,14\text{-}2,81 \text{ кН/м}$ ни ташкил этишини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва натижалари**» деб номланган учинчи бобида такомиллаштирилган мола-текислагичнинг трактор билан боғланиш схемаси, параметрлари ва агрегат ҳаракат тезлигини унинг иш кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибаларнинг натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди. Биринчи босқичда 6 ва 8 км/соат ҳаракат тезликларида мола-текислагичнинг трактор билан боғланиш схемасини, унинг текислагичининг баландлигини, зичлагичининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчагини ва ишчи сиртининг узунлигини, мола-текислагичга бериладиган тик босим кучи ва мола-текислагич таянч текислигидан у осиш қурилмасининг пастки осиш нуқтасигача бўлган тик масофани унинг тортишга солиштирма қаршилиги, тупроқнинг зичлиги, тупроқнинг уваланиш сифати ва дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланишига таъсири ўрганилди. Иккинчи босқичда эса тажрибаларни математик режалаштириш

усули қўлланилиб, кўп омилли тажрибалар ўтказилди.

Ўтказилган бир омилли экспериментал тадқиқотларга асосан қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- текислагич баландлигининг 25 см дан 35 см гача ортиши дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланишини сезиларли даражада камайишига, тупроқнинг уваланиш даражасини яхшиланишига ҳамда тупроқнинг зичлигини ортишига олиб келган, 35 см дан 45 см гача ортиши эса бу кўрсаткичларга катта таъсир кўрсатмаган. Тортишга солиштирма қаршилик олдин, яъни текислагичнинг баландлиги 35 см га етгунча ортган, кейин деярли ўзгармаган. Демак, дала юзасини етарли даражада текисланиши ҳамда тупроқнинг талаб даражасида уваланиши ва зичланишини таъминлаш учун текислагичнинг баландлиги камида 35 см бўлиши лозим;

- зичлагичнинг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчагига боғлиқ равишда мола-текислагичнинг барча кўрсаткичлари ботиқ ва қабарик парабола қонуниятлари бўйича ўзгарган. Дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланиши ҳамда тортишга солиштирма қаршилик қаралаётган бурчак 20° дан 30° гача ортганда камайган, 30° дан 40° гача ортганда эса ортган, тупроқнинг уваланиш даражаси ва зичлиги бу бурчакнинг $20-30^{\circ}$ оралиғидаги қийматларида ортган, $30-40^{\circ}$ оралиғидаги қийматларида камайган. Бунинг асосий сабаби шуки, ўтказилган назарий тадқиқотларнинг натижаларига кўра зичлагичнинг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги 30° атрофида бўлганда у ишчи сирти билан тупроқ бўлақларининг ўзаро таъсирлашиш вақти минимал қийматга эга бўлиши натижасида унга тупроқнинг ёпишиши ҳамда унинг олдида тупроқни кўплаб уюлиб қолишининг олди олинади;

-ҳар иккала ҳаракат тезлигида ҳам зичлагич ишчи сиртининг узунлиги ортиши билан дала юзаси нотекисликлари баландликларининг ўртача квадратик четланиши камайган, тупроқнинг уваланиш сифати яхшиланган, унинг зичлиги ва тортишга солиштирма қаршилик ортган;

- солиштирма тик юкланиш ортиши билан дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланиши камайган, тупроқнинг уваланиш сифати яхшиланган, унинг зичлиги ва тортишга қаршилик ортган. Бу асосан зичлагич томонидан тупроқда ҳосил қилинадиган босим ва кучланишларни ортиши ҳисобига юз беради;

- мола-текислагичнинг таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофани ортиши дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланишини камайиши, тупроқнинг уваланиш даражаси ва зичлигини ҳамда тортишга солиштирма қаршиликни ортишига олиб келган. Буларнинг асосий сабаби шуки, мола-текислагичнинг таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа ортиши билан унинг тупроққа босими ортади ва таъсир даражаси кучаяди. Тадқиқот натижалари асосида мола-текислагичнинг таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофани 60-70 см оралиғида тавсия этиш мумкин.

Такомиллаштирилган мола-текислагичнинг назарий ва бир омилли экспериментларда ўрганилган параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш учун Хартли-4 режаси бўйича кўп омилли экспериментлар ўтказилди. Бунда мола-текислагич зичлагичининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги β ва ишчи сиртининг узунлиги L_3 , унга бериладиган солиштирма тик юкланиш Q ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги унинг сифат ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этадиган омиллар сифатида танлаб олинди. Улар қуйидагича шартли белгиланди: X_1 – зичлагичнинг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги; X_2 – зичлагич ишчи сиртининг узунлиги; X_3 – мола-текислагичга бериладиган тик юкланиш; X_4 – агрегатнинг ҳаракат тезлиги.

Баҳолаш мезони сифатида дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланиши (Y_1 , см), тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни ўлчами 25 мм дан кичик фракциялар миқдори (Y_2 , %), тупроқнинг зичлиги (Y_3 , г/см³) ҳамда мола-текислагичнинг тортишга солиштирма қаршилиги (Y_4 , кН/м) қабул қилинди.

Тажрибаларда олинган натижалар бўйича мезонларни адекват ифодаловчи ушбу регрессия тенгламалари олинди:

– ишлов берилган дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланиши бўйича (\pm см)

$$Y_1 = 1,634 + 0,021X_1 - 0,096X_2 - 0,111X_3 - 0,125X_4 + 0,252X_1^2 - 0,052X_1X_2 - 0,052X_1X_3 - 0,052X_1X_4 + 0,019X_2^2 + 0,05X_2X_3 + 0,051X_2X_4 + 0,038X_3^2 + 0,051X_3X_4; \quad (11)$$

– тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (%)

$$Y_2 = 84,496 + 1,405X_1 + 2,343X_2 + 2,643X_3 + 1,395X_4 - 7,298X_1^2 + 0,899X_1X_2 + 0,586X_1X_3 + 0,498X_1X_4 - 0,666X_2^2 - 0,852X_2X_4 - 0,776X_3^2 - 0,3971X_3X_4 + 0,7X_4^2; \quad (12)$$

– тупроқнинг зичлиги бўйича (г/см³)

$$Y_3 = 1,140 + 0,009X_1 + 0,01X_2 + 0,021X_3 - 0,012X_4 - 0,05X_1^2 - 0,021X_1X_2 - 0,016X_1X_3 + 0X_1X_4 - 0,007X_2^2 - 0,017X_2X_3 - 0,011X_3^2; \quad (13)$$

– мола-текислагичнинг тортишга солиштирма қаршилиги бўйича (кН/м)

$$Y_4 = 2,825 - 0,010X_1 + 0,097X_2 + 0,268X_3 + 0,210X_4 + 0,234X_1^2 - 0,213X_1X_3 - 0,027X_1X_4 - 0,041X_2^2 - 0,218X_2X_3 + 0,03X_2X_4 - 0,07141X_3^2 - 0,026X_3X_4 + 0,08X_4^2. \quad (14)$$

Олинган регрессия тенгламалари таҳлилидан кўриниб турибдики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезирали таъсир кўрсатган.

Регрессия тенгламалари Y_1 мезон ± 2 см дан кичик, Y_2 мезон 80% дан катта, Y_3 мезон 1,1-1,2 г/см³ оралиғида ҳамда Y_4 мезон минимал қийматга эга бўлиши шартларидан келиб чиқиб, MS Excel ва Planex дастурлари бўйича биргаликда ечилди.

Олинган натижалар бўйича мола-текислагич 6,0-8,0 км/соат иш тезликларида дала юзасига кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасида ишлов берилишини таъминлаш учун унинг зичлагичининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги 29-32° ишчи сиртининг узунлиги 31-32 см ва унга бериладиган тик солиштирма юкланиш 2,4-2,6 кН/м оралиғида бўлиши

лозим. Бунда дала юзасидаги нотекисликларнинг ўртача квадратик четланиши $\pm 1,53-1,71$ см ни, тупроқнинг уваланиш даражаси 84,5-86,8 % ни ва унинг зичлиги $1,14-1,15$ г/см³ ни ҳамда мола-текислагичнинг тортишга солиштирма қаршилиги 2,67-3,24 кН/м ни ташкил этади.

Диссертациянинг «**Такомиллаштирилган мола-текислагич синовларининг натижалари ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган такомиллаштирилган мола-текислагич тажриба нусхасининг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлиги келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган такомиллаштирилган мола-текислагичнинг тажриба нусхаси белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос бўлди.

Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқилган такомиллаштирилган мола-текислагич ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланилганда меҳнат сарфи 75,0 % га ва эксплуатацион харажатлар эса 26,5 % га камаяди. Бунда йиллик иқтисодий самара 23461645 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Мола-текислагичнинг технологик иш жараёнини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланиладиган дала юзасини текисловчи ва зичловчи машиналар ва улар бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлили мола-текислагичнинг технологик иш жараёнини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш ерларни чигит ва бошқа экинлар уруғини экишга тайёрлашда иш сифати ва унумини ошириш ва энергияҳажмдорликни камайтириш имконини беришини кўрсатди.

2. Такомиллаштирилган мола-текислагични текисловчи ва зичловчи ишчи қисмлардан ташкил топган этиб ишлаб чиқиш унинг иш сифати ва унумини ошириш ҳамда энергияҳажмдорлигини камайтириш имконини беради.

3. Ўтказилган назарий тадқиқотлар натижасида текисловчи ва зичловчи қисмлардан ташкил топган мола-текислагичнинг технологик иш жараёни ва конструктив схемаси ишлаб чиқилди ҳамда трактор билан боғланиш схемаси асосланди, унинг текислагичи ва зичлагичининг параметрлари ва тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берадиган ҳамда мола-текислагичнинг бўйлама-тик текисликдаги ҳаракатини ифодалайдиган аналитик боғланишлар олинди. Улар бўйича ўтказилган ҳисоблар такомиллаштирилган мола-текислагич текислагичининг баландлиги камида 36 см, зичлагичининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги 30°, ишчи сиртининг узунлиги камида 6 см, унга бериладиган солиштирма тик юкланиш 2,24-2,87 кН/м оралиғида, текислагич ва зичлагич орасидаги тик масофа 3,0-4,0 см

оралиғида бўлиши лозимлигини ҳамда унинг бир метр камраш кенглигига тўғри келадиган тортишга қаршилиги 6,0-8,0 км/соат ҳаракат тезлигида 2,14-2,81 кН ни ташкил этишини кўрсатди.

4. Такомиллаштирилган мола-текислағични трактор билан параллелограмм механизм воситасида боғланиши ҳамда унинг таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофани 60-70 см оралиғида бўлиши дала юзасини сифатли текисланиши ва зичланиши, тупроқнинг сифатли уваланишини таъминлаш ҳамда унга бериладиган тик юкланишни тез ва енгил ўзгартириш имконини беради.

5. Ўтказилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари бўйича 6,0-8,0 км/соат ҳаракат тезликларида ишлаб чиқилган такомиллаштирилган мола-текислағич текислағичининг баландлигини камида 35 см, зичлағичининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчагини 29-32° оралиғида, ишчи сиртининг узунлигини 31-32 см оралиғида ва унга бериладиган солиштира тик юкланишни 2,4-2,6 кН/м оралиғида бўлиши кам энергия сарфлаган ҳолда дала юзасига талаб даражасида сифатли ишлов берилишини таъминлайди.

6. Такомиллаштирилган мола-текислағич ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланилганда меҳнат сарфи 75,0 фоизга ва эксплуатацион харажатлар 26,5 фоизга камаяди. Бу битта машинага йилига 23461645 сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

БАРЛИБАЕВ ШЕРЗОД НАКИББЕКОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА
РАБОТЫ И ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ
МАЛА-ВЫРАВНИВАТЕЛЯ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.I.PhD/T610.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: www.uzmei.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Тухтакузиев Абдусалим
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мансуров Мухторжон Тоширжонович
доктор технических наук

Абдурахманов Абдукарим Атамович
кандидат технических наук, с.и.с.

Ведущая организация:


АО «ВМКВ-Agromash»

Защита диссертации состоится 11 декабря 2020 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгйольский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 4418). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгйольский район, пос. Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99870) 601-07-04, факс: (+99870) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Автореферат диссертации разослан 13 декабря 2020 года
(Протокол рассылки № 4 от «13» 11 2020 года)




М.Т. Тошболтаев
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.А. Ибрагимов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., с.и.с.


К.К. Нуриев
Заместитель председателя научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире ведущее место занимает разработка и применение энерго-ресурсосберегающих и высокопроизводительных агрегатов при возделывании сельскохозяйственных культур. «Если учесть, что на сегодняшний день в мире площадь полей, обрабатываемых перед севом, составляет 1,6 млрд. гектаров»¹, то особое внимание необходимо уделять созданию и разработке энерго- и ресурсосберегающих, с высоким качеством работы и производительностью агрегатов, применяемых при предпосевной обработке полей.

В мире для получения высокого урожая сельскохозяйственных культур большое внимание уделяется качественной предпосевной обработке полей. Так как при не качественном проведении данного мероприятия, не обеспечивается сев семян сельскохозяйственных культур по агротехническим требованиям, в результате невозможно получить дружные всходы засеянных семян. Это в свою очередь приводит к снижению урожайности культур.

В результате осуществляемых широких реформ и глубоких структурных изменений в сельском хозяйстве проводятся широкомасштабные мероприятия по созданию и модернизации перспективных агротехнологий для получения высоких и качественных урожаев сельскохозяйственных культур, повышению объема производимой продукции, правильного выбора вида культур, дальнейшего усовершенствования технических средств, обеспечивающих сохранение плодородия почвы, повышения качества работы и производительности труда. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается, в частности, «...модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства, дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»². При выполнении этих задач, в частности при обработке полей перед севом важным является повышение качества работы и производительности, снижение затрат труда, расхода топлива и других затрат, за счет технической и технологической модернизации мала-выравнивателей, применяемых для предпосевной обработки почвы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан» и Постановлениях ПП-2694 от 23 декабря

¹ www.fao.org/docrep/018/i1688r/i1688r03.pdf

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

2016 года «О мерах дальнейшего реформирования и развития научно-технической базы сельского хозяйства в период 2016-2020 гг.», ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машиностроительной отрасли в сельском хозяйстве», ПП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В мировой практике с целью повышения эффективности процесса предпосевной обработки почвы разработаны различные орудия и технические средства. Они были рекомендованы конструкторским бюро для создания новых машин.

Исследования по повышению агротехнических показателей и производительности мала-выравнивателей и подобных технических средств и снижению их энергоёмкости за рубежом проводились А.И.Купченко, Ю.И.Кузнецовым, В.И.Тараниным, А.В.Шубиным (Российская Федерация), G. Schnitkey (США), J. Tisdall и В. Ende (Австралия), М.А. Эльшейх (Судан) и другими.

